

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Самарқанд давлат университети**  
**Ёш олимлар Кенгашининг**  
**НИЗОМИ**

**Умумий қоидалар**

**1. Ёш олимлар Кенгашининг мақсади**

Самарқанд давлат университети «Ёш олимлар» кенгаши (ЁОК) - (бундан кейин Кенгаш деб аталади) 35 ёшгача бўлган ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий, илмий-педагогик фаолиятини эркин тартибда бирлаштирадиган жамоат ташкилоти бўлиб, замонавий илғор фан ва техника ютуқларининг самарали жиҳатларини ишлаб чиқариш амалиётига ҳамда ўқув жараёнига тадбиқ этиш масалалари билан шуғулланади.

**2. Кенгашининг асосий вазифалари**

- ёш олим ва мутахассисларнинг илмий-техникавий, маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларини янада фаоллаштириш, самаралироқ олиб борилишини таъминлаш;
- ёш олим ва мутахассисларни республика ва халқаро миқёсдаги илмий-техникавий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлаш;
- ёш олим ва мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва амалий машғулотлар олиб бориш;
- ёш олим ва мутахассисларни фан ва техника ютуқларини илмий - назарий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиб, самарали жиҳатларини ҳаётга татбиқ этишига ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш бериш;
- академик лицей, коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг илмий-техникавий малака ва ижодий фаолиятларида ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатиш;
- ёш олимларнинг эришган ютуқларини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш, ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.

**3. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш**

- Кенгаш бевосита Самарқанд давлат университети ректори (илмий ишлар бўйича проректори)нинг раҳбарлиги остида амалий фаолият олиб боради ҳамда университетдаги бошқа ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритади;

- Кенгаш иши ёш олимлар ва иқтидорли ёш мутахассислар ўртасида ташкил этилади ва олиб борилади;
- Кенгаш ва унинг таркиби ёш олимлар ва мутахассисларнинг йиллик умумий йиғилишида тузилади ҳамда университет ректори (илмий ишлар бўйича проректори) буйруғи билан тасдиқланади;
- Университет ректори (илмий ишлар бўйича проректори) томонидан таниқли ва етакчи олимлар ва мутахассислардан Кенгаш илмий маслаҳатчилари тайинланади ҳамда улар Кенгаш фаолиятига доимий равишда ўзларининг амалий ёрдам ва маслаҳатларини бериб борадилар;
- Кенгашнинг Низоми ва иш режалари университет ректори томонидан тасдиқланади;
- Кенгаш ҳар йили бир марта университет ректори олдида ҳисобот бериб боради.

#### **4. Кенгашнинг асосий фаолият йўналишлари**

Кенгаш ўзининг амалий дастурини университет ректори томонидан қўйилган вазифалар ва топшириқларни бажаришни мақсад қилган ҳолда тузади ҳамда қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

- ҳар бир ёш мутахассисга ёрдам бериш мақсадида йўналтирилган илмий ва ишлаб чиқариш соҳасига оид талабларни шакллантирадиган, билим ва малакавий тажриба-қўникмаларни бойтадиган турли кўринишдаги самарали тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;
- фанга йўналиш олган ёш олим ва мутахассисларни илмий фаолиятини самарали йўналтириш чора-тадбирларини амалга оширади;
- ёш олим ва мутахассисларни илмий жамоанинг аъёнлари, тарихи, асосий илмий йўналишлари ва илмий ривожланиш истикболлари билан таништиради;
- раҳбарият билан ҳамкорликда ҳар бир ёш мутахассисга илмий, илмий-услубий ва ташкилий ишларни амалга ошириш учун раҳбар танлашга кўмаклашади;
- битирув малакавий ишлари, диссертацияларни ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатади;
- етакчи олимлар ва мутахассислар иштирокида ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларни, кўрикларини, семинарларини, симпозиумларини ташкил қилади ва ўтказади.
- ёш олимлар ва мутахассисларни илмий ишлари ва мақолаларини нашр этишларида амалий ёрдам беради;
- ёш олим ва мутахассислардан фанни ишлаб чиқаришга тадбиқ этадиган, амалий борадаги, ижодий гуруҳлар ташкил этади ва уларга замонавий, долзарб илмий-ишлаб чиқариш масалаларини ечишга, ҳал этишларига ёрдам беради;

- ёш олимларни ўз илмий ишлари жараёнида университет ва республиканинг энг яхши анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади;
- ёш олим ва мутахассисларни замонавий фан ва техника ютуқларини талабалар ва кенг жамоатчилик орасида тарғибот, ташвиқот қилишга жалб этади;
- жамоада фаол ижодий муҳитни яратишга, юқори ташкилотчилик, қатъиятлилик, масъуллиқ ҳиссини қарор топдиришга ҳаракат қилади;
- ёш мутахассисларга чет тилларини ўрганишларига, мутахассислик фанларини чуқурроқ ўзлаштиришига яқиндан ёрдам кўрсатади;
- ёш олимлар, мутахассислар билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг, академик лицей ва коллежлар талабаларининг, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти, “Истеъдод” жамғармаси ва бошқа ёшлар ташкилотлари ва илмий жамиятларнинг ўзаро алоқасини ўрнатади;
- ўқувчи ёшлар орасидан истеъдодли ёшларни танлаб олиш мақсадида олимпиадалар, техник кўриклар ва кўرғазмалар ташкил этишда иштирок этади.

## **5. Ёш олимлар кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Кенгаш қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга;

- ёш мутахассисларнинг иш фаолияти, дам олиш ва бошқа масалаларда университет раҳбариятига шунга оид талаб ва таклифларни тавсия этади;
- ёш олимларнинг илмий ва ихтисослик даражаларини ўрғанади, уларни ўз иш ўринларига тўғри жойлашишини назорат қилади;
- фан ва техниканинг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида ёш олимлар ва мутахассисларни ишлаб чиқариш корхоналаридаги олимлар ва етакчи мутахассислар билан ижодий-илмий алоқасини ўрнатади;
- етакчи олимлар ва мутахассислар билан келишган ҳолда ёшларга илмий-ишлаб чиқаришга оид масалалар қўйиш ва бу вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ташкилот раҳбариятига ўз таклифларини беради;
- илмий-техник конференциялар, семинарлар, ёш олимлар учрашув кечалари, бошқа олий ўқув юртлари ва корхоналарига илмий-ижодий экскурсиялар, илмий ишлар ва техник ижодиёт намуналари кўрғазмаларини ва конкурсларини ўтказади;
- университет раҳбариятига ёш олимлар ва мутахассисларнинг ўз билимларини чуқурлаштириш ва ихтисослик малакаларини юксалтириш мақсадида бошқа олий ўқув юртларига, шу жумладан хориждаги таълим муассасаларида илмий-ижодий, маданий йўналишга қаратилган хизмат сафарларини ташкил этиш учун таклифлар беради;
- ёш олимлар ва мутахассисларга бўлган ҳозирги давр ва келажакдаги эҳтиёжни аниқлаш мақсадида зарурий, истиқболли режалар ишлаб чиқади;
- университетда ёш олим ва мутахассисларнинг сифатли таълим олишига оид чора-тадбирларни белгилайди ва ишлаб чиқаради;
- ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий натижалари салмоғини ўрганиб, уларнинг илм-фан йўналишлари бўйича мукофотларга, Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академиясининг мукофотларига тақдим этади, шунингдек, диққатга сазовор бўлган илмий-техник ишларини илмий-техникавий жамият ва ташкилотларнинг мукофотларига тақдим этади;

- Ёш олим ва мутахассисларнинг илмий ишларини турли кўргазмаларда, республика ҳамда халқаро жамғармаларнинг кўрик танловлари ва конкурсларига тақдим этади.

### **6. Ёш олимлар кенгашининг маблағлари**

Кенгашнинг амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган зарурий сарф-харажатлар ёш олимларнинг грантлари, университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **7. Низомга ўзгартиришлар киритиш**

Самарқанд давлат университети Ёш олимлар Кенгашининг мазкур Низомига ўзгартиришлар фақатгина Кенгашнинг умумуниверситет конференциясида, университет ректорининг тасдиғи билан амалга оширилиши мумкин.